

Зулҳижжанинг ўн кунда қилинадиган амаллар



11:00 / 08 июнь 2191

Зулҳижжанинг ўн кунда қилинадиган амаллар Аллоҳ учун энг маҳбуб саналади. Шу билан бирга мазкур вақтда Аллоҳ учун севимли бўлган зикр амалга оширилса, нур устига нур бўлади. Фазилатли амал фазилатли вақтда бажарилиши қилинаётган иш учун кўпроқ ажр олиниши ва ундан кўзланган мақсад рўёбга чиқишига сабаб бўлади.

Маълумки, солиҳ амаллар тури кўп. Уларни санаш учун анча саҳифани қоралашга тўғри келади. Ўша амаллар ичида энг афзалларидан бири бу – рўзадир. Зулҳижжанинг аввалги ўн кунлигида рўза тутиш ҳақида ривоятлар бор. Қуйида улардан баъзиларини ўрганамиз.

أَهْنَعُ هَلَلًا يَضْرَعُ شِئًا عُنَعُ
هَلَلًا لُؤْسَرُ تُيَّأْرَامُ تَلْأَقُ
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلًا يَلَصُ

هَآوَرُ طَقْرُشَعْلَا يِفْ أَمِّيْءِ أَصْ نُبَّأُو دَمْحَآو دُوَادُ وَبَآوُ مِلْسُ م ةَمِّيْزُخْ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «**Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн кунликда бирон марта рўза тутганларини кўрмаганман**».

Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ва Ибн Хузайма ривояти.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зуҳлҳижжанинг аввалги тўққиз кунда рўза тутганлари ҳақида бошқа ривоятлар бор. Шу сабаб уламолар Оиша розияллоҳу анҳонинг бу ривоятини бир неча хил таъвил қилишган. Жумладан, у зот касаллик ёки сафар туфайли ушбу ўн кунлик рўзасини тутмаган бўлишлари мумкин.

Оиша розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу кунларда рўза тутганларини кўрмаган ёки эътибор бермаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Яна Аллоҳ билгувчироқдир!

Мазкур ривоятнинг зоҳирига назар ташласак, зулҳижжанинг аввалги ўн кунда, тўғрироғи, тўққиз кунда рўза тутиш макруҳлиги келиб чиқади. Аммо уламолар бошқа ривоятларни ҳам ўрганиб чиққач, бу кунларда рўза тутиш мустаҳаблигини таъкидлашган.

Биз бу ерда Оиша розияллоҳу анҳонинг ривоятини маълумот учун, қилинаётган иш холис ва оз бўлса ҳам мукамал бўлиши учун келтирдик. Энди бошқа ривоятларни ўрганамиз.

نَعْرِدِلْأَخْ نُبَّةَ ذِي نُهُ نَعَو جَآوَزَا ضُعْبُ نَعِ وَتَأْرْمَا

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصَّ يَبْنَلَا
لُوسَرْنَاكَ تَلَاقَ مَلَسَو
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصَّ هَلَلَا
يَذَغَسَتْ مُوصَيَ مَلَسَو
ةَثَالَتْ وَأَرْوَشَاعَ مَوَيَ وَهَجْخَلَا
نَيَنْتَالُ وَأِرْهَشَلُكَ نَمِ مَائَا
هَأُورَ سَيَمَخَلُ أَوِرْهَشَلَا نَمِ
دَمَحْ أَوِيئِئَسْنَلَا أَوِ دُوَادَ وَبَأُ
حَيَخَصُّ هَدَنَسَو وَيَقَهَيَبَلَا أَوِ

Ҳунайда ибн Холид хотинидан, у Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам завжаларининг баъзисидан ривоят қилади: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зулҳижжанинг тўққиз куни, Ашуро куни ва ҳар ойда (душанба ва пайшанбадан бошлаб) уч кун рўза тутардилар**».

Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ.

Ушбу ривоятда айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зулҳижжанинг аввалги тўққиз кунида, Ашуро куни ва ҳар ойда уч кун рўза тутардилар.

Зулҳижжанинг ўнинчи куни Қурбон ҳайити бўлиб, бу кунда рўза тутиш мумкин эмас. Шу сабаб рўза ҳақида гап кетганда «Зулҳижжанинг тўққиз

кунида рўза тутиш» ибораси ишлатилади.

Қуйидаги ривоятда зулҳижжанинг ўн кунлигида тутиладиган рўзанинг фазилатидан хабар берилади.

يَبْنُلَانَعَ رَيْرُهُ يَبَانَع
مَلَسَوِ هِيلَعُ هَلَلَا يَلَص
يَلِإِبْحَامِ أَيَانَمِ أَمِ لَأَق
نَمِ أَيْفُ هَلِ دَبَعَتِي نَأِ هَلَلَا
مِ أَيَصُ لِدَعِي هَجَحَلَا يِ ذِرْشَع
ةَنْسِ مِ أَيَصِ بَأَهْنَمِ مَوِيْلُك
أَهْنَمِ هَلِيْلُكُ مِ أَيَقَو
هَأَوِرِ رِدَقْلَا هَلِيْلِ مِ أَيَقِب
هَجَامُ نَبَأُوِي ذِمْرْتَلَا
فِي غَضُ هَدَنْسَوِي قِ هِيْبَلَأُو

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: «Аллоҳ учун ибодат қилинишга зулҳижжанинг ўн кунидан севимлироқ кунлар йўқдир. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзага, ҳар тундаги ибодат Лайлатул қадрдаги ибодатга тенгдир». Термизий, Ибн Можа ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади заиф.

Демак, қайси банда зулҳижжанинг аввалги тўққиз кунда ихлос билан рўза тутса, тўққиз йиллик рўзанинг савобига эришади. Зулҳижжанинг аввалги ўн кечасини бедор ўтказган, таҳажжуд намози ўқиган, зикр, тиловат ва шу каби ибодатлар билан машғул бўлган банда ўн марта Лайлатул қадр кечасида қоим бўлганлик савобини қўлга киритади. Лайлатул қадр кечасида қоим бўлиш минг ой, тахминан, саксон икки йилдан кўпроқ ибодат савобига тенг экани кўпчилигимизга маълум.

Демак, зулҳижжанинг бу фазилатли кун ва тунларини ғанимат билиб, улардан оқилона фойдалансак, охиратимиз учун чексиз ва қимматли заҳира тўплаб, қиёмат куни мезонимиз оғир бўлишига сабаб амалларни бажарган бўламиз.